

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.31/30.12.2019.Үч.25.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
АКАДЕМИЯСИ**

САБЫРБАЕВА АЙНУРА БАХЫТ ҚЫЗЫ

**ФИРИБГАРЛИК ЖИНОЯТИНИ ТЕРГОВ ҚИЛИШ
МЕТОДИКАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**12.00.09 – Жиноят процесси. Криминалистика, тезкор-қидирув ҳуқуқ
ва суд экспертизаси**

**Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Content of the abstract of the dissertation of the Doctor of Philosophy (PhD)

Сабырбаева Айнура Бахыт қызы

Фирибгарлик жиноятини тергов қилиш

методикасини такомиллаштириш..... 3

Сабырбаева Айнура Бахыт қызы

Совершенствование методики расследования мошенничества 25

Sabirbaeva Aynura Baxit qizi

Improving methodology of investigating fraud 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 51

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.31/30.12.2019.Үч.25.02 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
АКАДЕМИЯСИ**

САБЫРБАЕВА АЙНУРА БАХЫТ ҚЫЗЫ

**ФИРИБГАРЛИК ЖИНОЯТИНИ ТЕРГОВ ҚИЛИШ
МЕТОДИКАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**12.00.09 – Жиноят процесси. Криминалистика, тезкор-қидирув ҳуқуқ
ва суд экспертизаси**

**Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.1PhD/Үи281 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (<https://akadmvd.uz/uz/ads/dissertatsiya-imojasi01-12-2021>) ва «Ziyouet» Ахборот тизим порталида (www.ziyouet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Миразов Даврон Мирағзамович юримк фаилар доктори, профессор
Расмий оипонентлар:	Сантбаев Тимур Ренатович юримк фаилар доктори, профессор Абдуллаков Яхёжон Артинкбаевич юримк фаилар бўйича фалсафа доктори (PhD)
Етакчи ташкилот:	Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратура Академияси


Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.31/30.12.2019.Үи.25.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил 28 декабрь куни соат 12:00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100197, Тошкент ш., Интизор кўчаси, 68. Тел./факс: (+99871) 265-22-52; e-mail: info@akadmvd.uz).


Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (1146-рақамли билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100197, Тошкент ш., Интизор кўчаси, 68. Тел.: (+99871) 265-22-52.


Диссертация автореферати 2021 йил 3 декабрь куни тарқатилди.

(2021 йил 3 декабрьдаги 8-рақамли реестр баённомаси)




А.С. Турсунов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
юримк фаилар доктори,


Дж.Х. Юлдашев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, юримк фаилар бўйича
фалсафа доктори (PhD), доцент


Р. Кабулов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги Илмий семинар раиси, юримк
фаилар доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда жисмоний ва юридик шахсларга жуда кўп миқдорда моддий зарар етказадиган иқтисодий жиноятлардан бири – бу фирибгарлик бўлиб, БМТ маълумотларига кўра, 2020 йилда 125 мамлакатда алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан содир этилган жиноятлар натижасида етказилган умумий зарар 3,6 миллиард долларни ташкил этган¹. Фирибгарликнинг янги турларининг пайдо бўлаётганлиги, уни содир этишда замонавий ахборот-коммуникация технологиялардан фойдаланилаётганлиги, хусусан, онлайн тўлов тизимлари, қалбаки пластик карталар, фишинг/вишинг усуллари қўлланилаётганлиги, хизмат кўрсатиш, кредит ажратиш, ишга ёки ўқишга жойлаштириш соҳаларида кўпайиб бораётган бўлса-да, унинг латентлиги даражаси юқорилигича қолаётганлиги жиддий хавотир уйғотмоқда. Мазкур йўналишда давлатлар томонидан миллий қонунчиликни ривожлантириш ва фирибгарликка қарши курашнинг ҳуқуқий чораларини янада такомиллаштиришга қаратилган қатор ишлар амалга оширилаётган бўлса ҳам, мазкур жиноятларни содир этган шахсларни аниқлаш, жиноят содир этиш усул ва воситаларини фош этиш, жиноятчиларнинг ҳаракатларини исботлаш ва жавобгарликка тортиш масалалари ҳамон долзарб аҳамият касб этмоқда.

Жаҳонда фирибгарлик йўли билан ўзгалар мулкани талон-торож қилиш жиноятларини фош этиш учун махсус билим ва криминалистик услублардан фойдаланиш, ахборот-коммуникация технологиялари, тизими ва дастурларидан фойдаланиб содир этилган фирибгарликларни ўз вақтида аниқлаш ва жиноят содир этганларнинг айбини исботлаш, мазкур турдаги жиноятларнинг тергов қилиш методикасини такомиллаштириш, фирибгарлик бўйича процессуал ва тергов ҳаракатларини ўтказиш жараёнида юзага келадиган муаммоларнинг ечимига оид илмий изланишлар олиб борилмоқда.

Ўзбекистонда 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси асосида суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш, шахс ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилишини ҳамда қонун устуворлигини таъминлаш, жиноятчиликка қарши курашиш, жазонинг муқаррарлигини таъминлашга қаратилган изчил ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Шу билан бирга расмий маълумотларга кўра Ўзбекистонда 2020 йилда 2019 йилга нисбатан фирибгарлик жиноятлари сони 66%га ошган²лиги, айниқса унинг замонавий турлари бўйича кўрсаткичлар тобора ўсиб бораётганлиги, жамиятда ижтимоий муносабатлар ўзгарганлиги сабабли суд-тергов амалиётида фирибгарликни тергов қилиш методикаси замон талабларига жавоб бермаслиги, фирибгарликни содир этишнинг усуллари кенгайиб кетаётганлиги, ханузгача фирибгарликни тергов қилиш методикаси фақатгина унинг анъанавий турларини тергов қилишга қаратилганлиги ва ахборот-коммуникация

¹ Association of Certified Fraud Examiners. The 2020 Report to the Nations – the ACFE's 11th study on the costs and effects of occupational fraud. 2020 Global study on occupational fraud and abuse. P.4.

² Справка Управления уголовно-правовой статистики Генеральной прокуратуры Республики Узбекистан. 2021

технологиялари ёки янги электрон тўлов тизимлари орқали содир этилган фирибгарликларни қамраб олмаслиги, шунингдек фирибгарлик жиноятини тергов қилиш методикасини такомиллаштириш, фирибгарликни тергов қилишда типик тергов тусмоллари, вазиятлар ва уларни текшириш хусусиятларининг алгоритмини ишлаб чиқиш, терговга қадар текширув, суриштирув ва дастлабки тергов фаолиятига замонавий инновацион, рақамли технологиялар ва илғор иш усулларини жорий этиш, фирибгарликни тергов қилишда халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш каби масалаларнинг ҳанузгача ўз ечимини топмаганлиги тадқиқот мавзусининг долзарблиги ҳақида далолат беради. Бундан ташқари фирибгарлик натижасида етказилган мулкий зиённи қоплаш, уларнинг сабаблари ва содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш ва олдини олишнинг самарадор усулларини шакллантириш ва жорий этиш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг фирибгарликка қарши курашиш фаолиятларини тартибга солувчи қонунчилик нормалари ва қонунни қўллаш амалиётини чуқур ва танқидий ўрганилиши зарурлигини намоён этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (2016), «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги (2017), «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида»ги (2019), «Суд-тергов фаолиятида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (2020) фармонлари, «Суд ҳокимияти органлари фаолиятини рақамлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (2020) қарори ҳамда соҳага оид бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот иши республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришида инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Фирибгарликка қарши курашни такомиллаштириш масалалари доимо миллий ва хорижий олимларнинг диққат марказида бўлиб келган. Жумладан, фирибгарликнинг жиноий-ҳуқуқий ва криминологик жиҳатлари хусусида мамлакатимиз ҳуқуқшунос олимларидан К.Р.Абдурасулова, Р.С. Алтиев, А.Г.Закирова, И.Исмаилов, Р.Кабулов, А.А.Отажанов, М.А.Ражабова, А.К.Расулев, М.Х.Рустамбаев, А.С.Якубовлар илмий изланишларни амалга оширишган бўлса, муаммонинг жиноят-процессуал ва криминалистик жиҳатлари бўйича Г.А.Абдумажидов, Д.Б.Базарова, А.А.Матчанов, Д.М.Миразов, Б.А.Миренский, Б.Б.Муродов,

Ф.М.Мухитдинов, Б.А.Ражабов, Б.Н.Рашидов, Г.З.Тулаганова, Х.А.Тураббаев, А.А.Хамдамовлар илмий тадқиқотларни амалга оширганлар, ҳамда фирибгарлик жиноятларини квалификация қилиш, бошқа жиноятлардан фарқлаш, фирибгарлик натижасида етказилган мулккий зиённи қоплаш, уларнинг сабаблари ва содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш ва олдини олишнинг самарадор усулларини шакллантириш ва жорий этиш, терговга қадар текширув ўтказиш, шунингдек мазкур турдаги жиноятларни тергов қилишнинг умумий жиҳатлари юзасидан илмий мушоҳада юритганлар.

Хорижий олимлардан Соломон Аборби (Solomon Aborbie), И.В.Александров, И.О.Антонов, С.М.Астапкина, Бэйлей (Bayley), А.Г.Безверхов, Р.С.Белкин, А.И.Бойцов, Г.Н.Борзенков, И.А.Возгрин, Гринвуд (Greenwood), Л.Я.Драпкин, Раша Кассем (Rasha Kassem), А.Н.Колесниченко, Мишель Леонард (Michele Leonard), И.М.Лузгин, С.П.Митричев, А.В.Наумов, И.Ф.Пантелеев, Петерсила (Petersilia), Н.А.Селиванов, Джеспер Фахенберг (Jesper Fagerberg), В.В.Хилюта, Чайкен (Chaiken), А.А.Южин, Н.П.Яблоков, П.С.Яни ва бошқалар ўз илмий ишларида анъанавий, яъни замонавий технология ва усуллардан фойдаланилмаган ҳолда содир этилган фирибгарликни фош этиш, тергов қилиш ва олдини олиш билан боғлиқ жиҳатларини ўрганганлар.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистонда Х.А. Тураббаев «Фирибгарликни тергов қилиш хусусияти» мавзусидаги номзодлик диссертациясида (2001) фирибгарликнинг криминалистик элементлари ва жиноятни тергов қилишнинг анъанавий хусусиятлари; Р.С. Алтиев «Фирибгарликнинг жиноий-ҳуқуқий ва криминологик жиҳатлари» мавзусидаги юридик фанлар бўйича фалсафа доктори диссертациясида (2020) фирибгарликнинг жиноят-ҳуқуқий, криминологик жиҳатлари комплекс ўрганилган. Хорижий олимлардан И.О.Антонов «Фирибгарликни тергов қилиш» мавзусидаги номзодлик диссертациясида (1999) фирибгарликнинг анъанавий турларини тергов қилиш бўйича мулоҳазалар юритган. О.В. Волохова «Фуқароларга нисбатан содир этилган фирибгарликни тергов қилиш хусусиятлари» мавзусидаги номзодлик диссертациясида (2003) ҳозирги пайтда кам учрайдиган «ангишвона» каби фирибгарлик турларини тергов қилиш методикасини ишлаб чиққан.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилган ислохотларнинг натижалари, амалдаги қонунчилик нормалари ва уларни қўллаш амалиёти, хорижий давлатлар ижобий тажрибаси таҳлили асосида мазкур турдаги жиноятларнинг сони ва турлари кўпайиб, содир этишнинг усуллари кенгайиб кетаётганлиги, жамиятда ижтимоий муносабатлар ўзгарганлиги сабабли суд-тергов амалиётида фирибгарликни тергов қилиш методикаси замон талабларига жавоб бермаслиги ва фақатгина анъанавий турларини тергов қилишга қаратилганлиги, ахборот-коммуникация технологиялари ёки янги электрон тўлов тизимлари орқали содир этилган фирибгарликларни қамраб олмаслиги, фирибгарлик жиноятини тергов қилиш методикасини такомиллаштириш муаммоларини махсус тадқиқ этиш зарурияти мавжудлиги исботланади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг 2018-2021 йилларга мўлжалланган илмий-тадқиқот ишлари режасининг «Ўзбекистон Республикасида жиноят-процессуал қонунчиликни либераллаштириш ва жиноят-процессуал қонунчиликдаги ўзгаришларни амалиётга жорий этиш масалалари» (73-банди) фундаментал лойиҳаси доирасида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг мақсади фирибгарлик жиноятини тергов қилиш методикасини такомиллаштиришга қаратилган таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқишдан иборатдир.

Тадқиқотнинг вазифалари:

фирибгарликка қарши курашишнинг ижтимоий заруратини очиб бериш;
фирибгарликнинг криминалистик тавсифини ўрганиш ва таъриф бериш;
фирибгарлик фактлари бўйича терговга қадар текширув ўтказиш методикасининг ўзига хос хусусиятларини тадқиқ этиш;

фирибгарликни тергов қилишда типик тергов тусмоллари, вазиятлар ва уларни текшириш хусусиятларининг алгоритминини шакллантириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;

фирибгарликни тергов қилиш бўйича халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш йўллари назарий ва амалий таҳлил қилиш;

фирибгарликни тергов қилишда кечиктириб бўлмайдиган ва дастлабки тергов ҳаракатларини ўтказишнинг хусусиятлари ва тактикасини ўрганиш;

фирибгарликни тергов қилишда келгуси тергов ҳаракатларини ўтказиш ва дастлабки терговни тамомлашнинг тактик усулларини тадқиқ этиш;

фирибгарликни тергов қилиш методикасига оид айрим хорижий давлатлар тажрибасини ўрганиш;

фирибгарликнинг янги турларини тергов қилиш алгоритминини шакллантириш, илғор хориж тажрибасини миллий тизимга имплементация қилиш, фирибгарликнинг замонавий турлари ва шаклларини исботлашни такомиллаштиришга қаратилган тавсиялар ишлаб чиқиш, амалдаги қонунчилик нормаларини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти фирибгарлик жиноятини тергов қилиш жараёнида вужудга келадиган ижтимоий-ҳуқуқий ва тактик-криминалистик муносабатлар тизими ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети фирибгарликни тергов қилиш методикасига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, уларни қўллаш билан боғлиқ тергов органларининг фаолияти, айрим хорижий давлатлар тажрибаси ҳамда юридик фанда мавжуд бўлган концептуал ёндашувлар ва илмий-назарий қарашлар ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияни тайёрлаш жараёнида илмий билишнинг умумий (мантикийлик, дедукция, индукция, таҳлил, қиёслаш, моделлаштириш, синтез, умумлаштириш, кузатиш), хусусий (таркибий-функциявий, функциявий, статистик, психологик, тарихий) ва махсус-соҳавий

(қиёсий-ҳуқуқий, жиноят ишларининг таҳлили, социологик сўров) каби тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

терговга қадар текширув, суриштирув ва дастлабки тергов бошқичларида ушлаб туриш, шахсий тинтув қилишнинг янги тактик усуллари қўлланилиши асосланган, мазкур жараёнларни видеоёзув орқали қайд этиш, шунингдек шахсни ушлаш вақтида фойдаланилган криминалистик техника воситаларнинг техник хусусиятларини ушлаб туриш баённомасида акс эттириш лозимлиги асослантирилган;

суриштирув ва дастлабки тергов жараёнида гувоҳ, жабрланувчи, гумон қилинувчи ва айбланувчиларни сўроқ қилиш, ҳамда таниб олиш учун кўрсатиш ва юзлаштириш тергов ҳаракатларини ўтказишнинг янги тактик усуллари шакллантирилган, шунингдек уларни ўтказишда замонавий ахборот-коммуникация технологиялари имкониятларидан фойдаланиб, видеоконференцалоқа режимида ўтказиш мумкинлиги ҳамда процесс иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлашнинг тактикасини ривожлантириш зарурлиги асослантирилган;

Интернет жаҳон ахборот тармоғидан фойдаланиб содир этилган фирибгарлик жиноятларини тез ва тўла очиш, айбдорларни аниқлаш ҳамда уларнинг айбини исботлаш имкониятларини янада кенгайтириш учун гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчининг телефонлари ва бошқа телекоммуникация қурилмалари орқали олиб бориладиган сўзлашувларини эшитиб туриш, улар орқали узатиладиган ахборотни олишнинг янги тактик усулларини қўллаш зарурлиги асослантирилган;

фирибгарликни тергов қилишнинг хусусий криминалистик методикаси шакллантирилган, фирибгарлик тўғрисидаги хабарлар юзасидан терговга қадар текширув, суриштирув ва дастлабки тергов ўтказишнинг криминалистик методикаси ишлаб чиқилган, уларнинг натижалари инновацион технологиялардан фойдаланиб расмийлаштириш тартибини жорий этиш зарурлиги асослантирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари. Фирибгарлик билан боғлиқ жиноятларни тергов қилишда видеоконференцалоқа орқали айрим тергов ҳаракатлари (сўроқ қилиш, юзлаштириш, шахсни ёки нарсани таниб олиш учун тақдим этиш)ни ўтказишнинг янги тартиби, жумладан уни ўтказишга тайёргарлик кўриш, ташкилий масалалар ва кейинчалик расмийлаштириш тартиби асослантирилган, экспертиза объектлари рўйхатини «электрон ҳужжат», «дастурий таъминот», «компьютер, периферик ёки бошқа қурилмалар» тушунчалари билан кенгайтиришни назарда тутувчи «Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар қиритиш тўғрисида»ги қонуни лойиҳаси ишлаб чиқилган;

кўчар ва кўчмас мулкни тезкор хатлаш имкониятини яратиш мақсадида шахсининг номидаги мол-мулки тўғрисида тўлиқ маълумотлар, нотариал ҳаракатларни ўтказишга тақиқ мавжудлигини кўрсатган ҳолда Ички ишлар вазирлигининг «Ўзбекистон» маълумот базасини кенгайтириш ва янги «Мулк» маълумот базасини жорий этишга доир таклифлар ишлаб чиқилган;

фирибгарликни тергов қилишда терговчи ва суриштирувчининг дастлабки ва кейинги тергов ҳаракатларини ўтказиш алгоритми, зарур дастурий таъминот тўпламидан (Vogon International, Gen Tree, Pook) фойдаланиб, IT-мутахассисларини жалб қилиб, электрон далилларни тўплашга қаратилган олиб қўйиш ва тинтув ўтказиш тактикаси, янги турдаги экспертизалар (судга оид аппарат-компьютер экспертизаси, судга оид дастурий таъминот-компьютер экспертизаси, судга оид ахборот-компьютер экспертизаси, судга оид компьютер-тармоқ экспертизаси)ни тайинлашда эксперт олдига қўйиладиган саволларнинг тахминий рўйхати ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижалари халқаро ҳуқуқ ва миллий қонун нормалари, ривожланган давлатлар тажрибаси, қонунни қўллаш амалиётига асосланган. Бундан ташқари, хулосалар 688 нафар тергов ва суд органлари ходимлари ўртасида ўтказилган социологик сўровлар, 2015-2020 йиллардаги фирибгарлик жиноятига доир статистик маълумотлар, тадқиқотчи томонидан шахсан тергов қилган 200 дан ортиқ жиноят ишлари ҳамда республика судлари томонидан мазмунан кўриб чиқилган 300 дан ортиқ жиноят ишлари бўйича суд ҳукмларининг таҳлили натижалари умумлаштирилиб, тегишли ҳужжатлар билан расмийлаштирилган. Хулоса, таклиф ва тавсиялар апробациядан ўтказилиб, уларнинг натижалари етакчи миллий ва хорижий нашрларда эълон қилинган. Олинган натижалар ваколатли органлар томонидан тасдиқланган ва амалиётга жорий қилинган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқотнинг илмий аҳамияти ундаги илмий-назарий хулосалар ҳамда амалий таклиф ва тавсиялардан келгуси илмий фаолият, қонун ижодкорлиги, ҳуқуқни қўллаш амалиёти, жиноят-процессуал қонун ҳужжатларининг тегишли нормаларини шарҳлаш, миллий қонунчиликни такомиллаштириш, шунингдек «Терговга қадар текширув», «Жиноят-процессуал ҳуқуқи» ва «Дастлабки тергов» фанларини илмий-назарий жиҳатдан янада бойитишда намоён бўлади. Тадқиқот ишининг назарий жиҳатларига таяниш жиноят-процессуал қонунида фирибгарлик жиноятини тергов қилиш методикасини тартибга солувчи нормаларини янада такомиллаштириш билан боғлиқ мавзуларда янги илмий тадқиқотлар олиб бориш имконини беради.

Тадқиқот ишининг амалий аҳамияти шундаки, таклиф, тавсия ва хулосалардан жиноят-процессуал қонунининг фирибгарлик жиноятини тергов қилиш жараёнида ўтказилиши лозим бўлган тергов ҳаракатларини такомиллаштириш ҳамда қонунни қўллаш амалиётини ривожлантириш, шунингдек, фирибгарликнинг янги турларини тергов қилиш методикасини такомиллаштиришга бағишланган қонун ҳужжатлари лойиҳаларини ишлаб чиқишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Фирибгарлик жиноятини тергов қилиш методикаси ва хусусиятларига оид назарий-ҳуқуқий билимларни ривожлантириш ҳамда қонун нормаларини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

жиноят процесси иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлаш, уларга қўшимча қулайликлар яратиш, шунингдек суриштирув ва дастлабки тергов

жараёнида процессуал чикимларни камайтириш мақсадида гувоҳлар, жабрланувчилар, гумон қилинувчилар ва айбланувчилар иштирокидаги сўроқ, шахсларни ва нарсаларни таниб олиш ҳамда юзлаштириш тергов ҳаракатларини замонавий ахборот-коммуникация технологиялари имкониятларидан кенг фойдаланилган ҳолда, видеоконференцалоқа режимида ўтказиш мумкинлиги ҳақидаги таклифларидан Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига жиноят процесси иштирокчиларининг ҳуқуқлари ҳамоя қилинишини таъминлаш билан боғлиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги 2019 йил 23 майда қабул қилинган ЎРҚ–542-сон Қонуни билан Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 91¹, 91², 91³, 91⁴-моддаларини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитасининг 2019 йил 28 сентябрдаги 112-сон маълумотномаси). Бу таклиф фирибгарликни тергов қилишда тергов ҳаракатларининг самарадорлигини ошириш ва ахборот-коммуникация технологиялари орқали техник воситалардан фойдаланишни оптималлаштиришга ва гувоҳ, жабрланувчи, гумон қилинувчи ҳамда айбланувчиларнинг ҳуқуқларини ҳамоя қилишнинг самарали механизмини ишлаб чиқишга хизмат қилган.

терговга қадар текширув, суриштирув ва дастлабки тергов босқичларида ушлаш, шахсий тинтув, шахсни ҳамоячидан воз кечиш жараёнларини видеоёзув орқали қайд этиш, шунингдек ушланган шахснинг видеоёзув материаллари билан танишганлиги ҳамда шахсни ушлаш вақтида фойдаланилган воситаларнинг техник хусусиятларини ушлаб туриш баённомасида акс эттириш лозимлиги ҳақидаги таклифлардан Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг жиноят-процессуал кодексига жиноят процессида иштирок этувчи фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилишни кучайтиришга қаратилган ўзгартишлар ва қўшимча киритиш тўғрисида»ги 2020 йил 14 майда қабул қилинган ЎРҚ–617-сон Қонуни асосида Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 52, 91, 225 моддаларига ўзгартиш киритишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг 2020 йил 16 июндаги 06/1-05/1591-сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг жорий этилиши гумон қилинувчиларни ушлаб туриш вақтида қонуний ҳуқуқлари ва манфаатларини таъминлаш ва ҳамоя қилиш учун инновацион ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш бўйича жиноят процессини такомиллаштиришга хизмат қилган.

Интернет жаҳон ахборот тармоғидан фойдаланиб содир этилган фирибгарлик жиноятларини тез ва тўла очиш, айбдорларни аниқлаш, уларнинг айбини исботлаш имкониятларини янада кенгайтириш учун гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчининг телефонлари ва бошқа телекоммуникация қурилмалари орқали олиб бориладиган сўзлашувларини эшитиб туриш, улар орқали узатиладиган ахборотни олиш зарурлиги тўғрисидаги таклифлардан «Фуқароларнинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилишга

қаратилган қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги 2020 йил 30 ноябрда қабул қилинган ЎРҚ–651-сон Қонуни билан Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал Кодексининг 169, 170 моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари кўмитасининг 2021 йил 11 августдаги 06/1-11/794-сон маълумотномаси). Бу таклиф фирибгарликни тергов қилишда жиноят процесси иштирокчиларининг шахсий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишни кафолатлаган.

хусусий криминалистик методикадан фойдаланган ҳолда фирибгарлик тўғрисида келиб тушган хабарлар юзасидан тергов органлари суриштирувчилари томонидан терговга қадар текширув ўтказилиб, унинг натижалари юзасидан қонуний қарорлар қабул қилишда инновацион технологияни жорий этиш зарурлиги тўғрисидаги таклифларидан Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг «Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идораларида суриштирув ва дастлабки терговни ташкил этиш тўғрисидаги Йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги 100-сон буйруғининг 8-боби 54-моддаси «а, б»-бандларига ўзгартириш киритишда фойдаланилган. (Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2020 йил 7 июндаги маълумотномаси). Бу таклиф фирибгарликни тергов қилишда қонун устуворлигига риоя этилишини таъминлашга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертация натижалари 10 та (4 та халқаро, 6 та республика) илмий-амалий конференцияларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуи бўйича жами 23 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларида 13 та мақола (шундан 2 таси хорижий журналларда) чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат бўлиб, диссертация ишининг асосий матни 156 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асослантилган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси ёритилган, тадқиқотдан кўзланган мақсад ва бажарилган вазифалар, диссертациянинг объекти, предмети белгиланган, тадқиқот усуллари, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, уларнинг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти асослаб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилганлиги, эълон қилинганлиги, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг «**Фирибгарликни тергов қилишнинг ижтимоий-хуқуқий ва криминалистик асослари**» деб номланган биринчи бобида фирибгарликнинг криминалистик тавсифи, элементлари, бу борадаги илғор хорижий давлатлар тажрибаси, фирибгарликнинг замонавий ва анъанавий турлари билан боғлиқ ҳолатларни тергов қилишдаги тергов вазиятининг ижтимоий-хуқуқий хусусиятлари ёритилган.

Муаллиф фирибгарликнинг криминалистик тавсифи, унинг хуқуқий таҳлилига асосланиб, фирибгарликни фуқаровий-хуқуқий деликтдан фарқлашнинг ўзига хос хусусиятлари ва жиноят-хуқуқий квалификацияси билан боғлиқ жиҳатларига эътибор қаратган. Тадқиқотчи фирибгарликни таснифлашга оид Р.С.Атаманов, Д.В.Бахтеев, М.Н.Богданов, С.В.Горобченко, Д.Лернер, Э.Ж.Вильямс, А.Н.Залескина ва И.А.Михайленко каби олимларнинг назарий қарашларига таянган ҳолда фирибгарликнинг турларига кўра замонавий, анъанавий ва фуқаровий-хуқуқий деликтга ўхшаш фирибгарликка таснифлашни таклиф этади. Бунда фуқаровий-хуқуқий деликтнинг шартномалар ёки фуқаровий-хуқуқий мажбурият тузилганлик фактини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжудлиги; шахс томонидан мулкни алдов йўли билан эгаллашга олдиндан қасди бўлмаганлиги; ўзига юклатилган мажбуриятларни бажариш учун олдиндан имконияти бўлганлиги; олинган пул маблағлари ёки мулкка тенг қимматликларни бериш орқали етказилган зарарни қоплашга ҳаракат қилинганлиги каби хусусиятлари очиқ берилган.

Диссертант томонидан фирибгарлик қуйидаги: компьютер маълумотлари, ахборот-телекоммуникация тармоқ ёки ахборот тизимидан фойдаланган ҳолда; сохта тўлов карталари ёки электрон тўлов тизимидан фойдаланган ҳолда; иш жойлаш ёки ўқишга киритиб қўйиш соҳасида; фишинг/вишинг усулида; кредит соҳасида; молиявий пирамидалар ва бошқа янги турлари юридик таҳлил қилинган.

Тадқиқотчи Р.С.Белкин, Г.Н.Борзенков, Л.Я.Драпкин, А.В.Наумов, И.Ф.Пантелеев, В.В.Хилюта, А.А.Южин, Н.П.Яблоков, П.С.Яни каби олимларнинг илмий ишларини ўрганиб чиққан ҳолда, улар барча жиноятларга тегишли криминалистик тавсифини ишлаб чиққанлиги, бу тавсиф замонавий фирибгарликнинг аҳамиятли жиҳатларини акс эттирмаслиги, фирибгарликни содир этиш усуллари кенгайиб бораётганлиги сабабли ахборот-коммуникация тармоқлари, электрон тўлов тизимлари ва онлайн-банк хизматларидан фойдаланган ҳолда содир этилган фирибгарликнинг замонавий турларини қамраб олувчи, тергов пайтида янги инновацион технологиялар қўлланилишини белгиловчи «*Фирибгарликнинг криминалистик тавсифи*» тушунчасига муаллифлик таърифи ишлаб чиқилган.

Диссертант тадқиқот доирасида фирибгарлик бўйича тергов қилинган жиноят ишлари таҳлили асосида, фирибгарлик фактлари бўйича терговга қадар текширув пайтида, жиноят содир этилган жой, вақт ва бошқа криминалистик хусусиятларни аниқлаш, ҳодиса содир бўлган жойни аниқлаш (кейинчалик содир этилган жиноятни исботлаш мақсадида) видеокузатув камераларини текшириш, жиноятни инкор қилиб бўлмайдиган фактларни, ижтимоий хавfli

қилмиш мавжудлигини тасдиқловчи ашёвий далилларни аниқлаш зарурлигини кўрсатган.

*«Киберфирибгарлик»*ка – мулкни ёки унга бўлган ҳуқуқни алдаш ва/ёки ишончни суиистеъмом қилиш, шунингдек компьютернинг нормал ишлашига, глобал тармоқлар, ахборот ва телекоммуникация тармоқ тизимлари орқали дастурий таъминотларга халақит қилиш ёки ўзгартириш киритиш, шунингдек зарарли дастурлардан фойдаланишидир деган муаллифлик таърифи ишлаб чиқилган.

Тадқиқотчи фирибгарликнинг криминалистик тавсифи ва хусусиятларини таҳлил қилиш натижасида *«Шахснинг маълумотларини ўзгирлаш»*га шахснинг махфий, шахсий маълумотлари (логин, пароллар, ПИН-кодлар, тўлов карталари маълумотлари, идентификация рақамлари)ни ўзгирлаш, бу орқали молиявий манбаларни (тўлов картасидаги пул, электрон пул) эгаллаш ва маблағларни тасарруф этиш ҳуқуқини ноқонуний равишда қўлга киритишидир деган таъриф берган. Тадқиқотчи томонидан ушбу тушунчалар ва шу турдаги жиноятларни бир хилда талқин қилиш ва малакалаш мақсадида «Фирибгарлик ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорига ўзгартириш киритиш ҳақидаги таклиф илгари сурилган.

Диссертантнинг фикрича, терговчининг хатти-ҳаракатлари алгоритми тўғридан-тўғри ерни ёки уй-жойни сотиб олиш/сотиш билан боғлиқ ҳолатларда, кредит соҳасида, тўлов карталари ёрдамида содир этилган фирибгарликда мавжуд типик вазиятлар: 1) фирибгарлик содир этилганлиги, фирибгарнинг шахси ва унинг қаерда жойлашганлигига; 2) фирибгарлик содир этилган, лекин уни содир этган шахснинг номаълумлигига; 3) фирибгарлик содир этилмаган, аммо фуқаролик-ҳуқуқий деликт ҳолати мавжудлигига боғлиқдир.

Муаллифнинг фикрича, фишинг хужумлари потенциал жабрланувчига нотўғри хабар бериш «дезинформация» орқали ҳимояланган тизимни тўғридан-тўғри бузиб эмас, балки фойдаланувчининг бепарволиги, шошма-шошарлиги, эътиборсизлигидан фойдаланиб, юборилган ҳавола бўйича ўтишга қаратилган бўлади.

Ўтказилган тадқиқот натижасида кўп ҳолатларда фишерлардан келадиган ва қандайдир (банк ёки компаниянинг) сайтига йўналтирувчи ҳаволалар маъносиз ҳарф, сон ва белгилар мажмуидан иборат. Масалан, fg5fd64fg5h4g5f4hgf4b4vbfreeeevcrll;klsdhjhsajl;kma;lzkxklbjksc.

Диссертант фишинг хужумларига имкон берадиган куйидаги шарт-шароитларни аниқлаган:

фишинг хатларида юқори даражали аргументациянинг мавжудлиги («юборувчининг» ёзиш стили ва услубига тўғри келади, ёзишма тематикасига мос келади);

ишонч даражаси юқори бўлган манбадан келганлиги (рахбарият, қариндошлар, банк);

хат жанрининг манбага мос келиши (фон иллюстрациялар, шрифт, ранг, контраст, хат жойлашуви, тасвир сифати, ёзувлар);

жуда катта вақт босими (прессинг)нинг мавжудлиги («ШОШИЛИНЧ!», «ЗУДЛИК БИЛАН», «ЖУДА МУҲИМ»).

Хорижий давлатларнинг жиноят-процессуал қонунчилигини таҳлил қилиш асосида, тадқиқотчи киберфирибгарликни фош этишда асосий муаммо бу фирибгарнинг қаерда эканлигини аниқлаш эканлигини таъкидлаган, чунки Интернет тармоғига кириб дунёнинг бошқа четида жойлашган фойдаланувчи билан алоқа қилишда чекловлар йўқ. Фирибгарлар ҳар хил девайслар ёрдамида IP-адресларини кузатиб бориш имконига чек қўйиб ўз шахсларини яширишади.

Тадқиқотчи 688 терговчи, суриштирувчи ва жиноят ишлар бўйича судьялар ўртасида ўтказилган сўровнома асосида суд-тергов амалиётида муаммолардан яна бири миллий қонунчилигимизда янги фирибгарлик турларини тергов қилиш жараёнида уни ўғирлик ёки фирибгарлик сифатида квалификация қилиш масаласи тартибга солинмаганлигидир. Бу эса ўз навбатда дастлабки ва келгуси тергов ҳаракатларини олиб боришда тушунмовчиликларга замин яратади.

Ишнинг иккинчи боби «**Фирибгарлик ҳолатлари бўйича терговга қадар текширув ўтказишнинг хусусиятлари ва тактикаси**» деб номланиб, унда фирибгарликнинг белгилари ва фирибгарлик фактлари бўйича терговга қадар текширув ўтказишнинг ўзига хос хусусиятлари, фирибгарликни фуқаролик-ҳуқуқий деликтдан фарқлашда аниқланиши лозим бўлган ҳолатлар, жиноят ишини кўзғатишдан олдин ўтказиладиган тергов ҳаракатларининг тартиби бўйича олимларнинг фикрлари таҳлил этилган.

Тадқиқот ишида А.Л.Пермяков, Б.А.Куринов, А.В.Сычев, Р.С.Алтиев, М.С.Садыроваларнинг фирибгарлик билан боғлиқ жиноятлар содир этилганда текширилиши лозим бўлган ҳолатларга оид билдирган фикрлари таҳлил этилган ва улар билан илмий мунозарага киришади ҳамда тадқиқотчи янги курилаётган уй жойларнинг олди-сотдиси билан боғлиқ фирибгарликларнинг олдини олиш учун қурилиш ташкилотлари томонидан курилаётган объектлар тўғрисидаги маълумотлар (тегишли ҳужжатлар, чизмалар, қават тўғрисидаги маълумотларни илова қилган ҳолда)ни Интерактив давлат хизматларининг ягона порталига мажбурий тарзда тақдим этилиши (қаватлар сони, сотилган ёки банд қилинган хонадонлар рўйхати, ипотека кредити олиш имконияти, қайси банкка мурожаат қилиш) амалиётга жорий этилиши лозим деб ҳисоблайди.

Тадқиқотда замонавий ахборот-коммуникация технологиялардан фойдаланиш имкониятлари тартибга солинмаганлиги, фирибгарликнинг замонавий турлари пайдо бўлгани ва уларни тергов қилишда қийинчиликлар мавжудлиги, тергов методикаси эскирганлиги сабабли фирибгарлик жиноятини тергов қилишнинг янги замонавий методикаси ишлаб чиқилган. Шунингдек, фирибгарликнинг айрим турларини тергов қилишда исботланиши лозим бўлган ҳолатлар ва унинг ўзига хос хусусиятлари аниқланган: кредит соҳасида содир этилган фирибгарликни тергов қилишда электрон далиллар (ижтимоий тармоқлардаги ёзишмалар, IP-манзил)ни топиш, олиб қўйиш ва текшириш; видеокузатув камераларини текшириш; судга оид компьютер-техник экспертлари олдига қўйиладиган саволлар рўйхатини тузиш; сўроқ қилиниши

лозим бўлган шахслар (масалан, банк ходимлари)га бериладиган саволлар рўйхатини тузиш ва бошқа аниқланиши лозим бўлган ҳолатлар.

Диссертантнинг фикрича, ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда содир этилган фирибгарликнинг тобора кенг тарқалаётганлигига қарамай, замонавий технологиялар орқали олинган электрон далиллар, шунингдек, уларни кўздан кечириш, олиб қўйиш ва расмийлаштириш тартиби жиноят-процессуал қонунчиликда тартибга солилмаганлиги, ушбу ҳаракатларнинг илмий таърифи йўқлиги ушбу турдаги далилларни олиб қўйишда турли хатоликлар ва ёндашувларга, шунингдек топиш лозим бўлган кўплаб предметлар аниқланмай қолишига олиб келмоқда.

Интернет тармоғидан фойдаланган ҳолда содир этилган фирибгарликда жиноятчи ўз akkaунтига логин ва паролини киритиб, интернет тармоғига кириш имкониятига эга бўлган ҳар қандай қурилмадан, уяли алоқа телефони ёки компьютер техникасидан, ҳаттоки жиноят воситаси бўлган қурилма тергов идораларида сақланаётган бўлса-да, бошқа қурилмадан кириши, йиғилган барча далилларни ўчириб ташлаши мумкин. Қурилмаларнинг олиб қўйилганлиги электрон далиллар дахлсизлиги ва яхлитлиги таъминланганидан далолат бермайди. Шунинг учун электрон далилларни аниқлаш, кидириш, олиб қўйиш, кўздан кечириш ва расмийлаштириш тартибини тўғри белгилаш ва унда сақланаётган далиллар масофадан кириш орқали маълумотларни ўчириш ёки ўзгартиришлар киритиш билан яроқсиз ҳолга келтирилишининг олдини олиш мақсадида мутахассис жалб қилиниши ва ушбу маълумотлар махсус сақлаш қурилмасига зарур дастур ёрдамида ёзиб олиниши муҳим аҳамиятга эгаллиги асосланган.

Тадқиқот доирасида ўрганилган 300 жиноят ишлари асосида, электрон далиллар далилларнинг янги тури эканлиги ва уларни қонунчиликда тартибга солиш зарурати мавжудлиги аниқланган, шу сабабдан Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексига янги 208¹-моддасининг киритилиши лозимлиги асосланган.

«208¹-модда. Электрон далилларни сақлаш ва жўнатиш.

Ахборот ташувчи электрон сақлаш ускуналарини кўздан кечириш ва олиб қўйиш жараёнида яхлитликни таъминлаш ва кейинги ўзгаришларни, уларнинг йўқолиши ёки шикастланишининг олдини олиш учун керакли дастурлардан фойдаланган ҳолда, уларни махсус ёзиш қурилмаларига ёзиб олиш учун мутахассиснинг иштироки мажбурийдир. Ахборот ташувчи электрон сақлаш ускуналарини кўздан кечириш жараёни ва натижалари баённомада қайд этилиши керак. Белгиланган тартибда олиб қўйилган ва сақланган электрон далиллар иш материалларига илова қилинади».

Диссертант тадқиқотда фирибгарлик факти бўйича терговга қадар текширув пайтида процессуал ва тергов ҳаракатларини амалга оширишда бир қатор қийинчиликлар мавжудлигини ҳисобга олиб, терговчи ёки суриштирувчи томонидан терговга қадар текширувда фирибгарликнинг айрим турларида амалга оширилиши лозим бўлган ҳаракатларнинг алгоритмини ишлаб чиқиш заруратини асослантирган. Шунингдек, жиноят иши қўзғатилишидан олдин

нарсаларни кўздан кечириш масаласини қонун билан тартибга солиш зарурати мавжудлигидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексига 140¹-моддасини *«Рақамли шаклда сақланадиган ёки узатиладиган маълумотларни кўздан кечириш»* киритиш таклифини илгари суради.

Муаллиф томонидан замонавий фирибгарликнинг янги турларига оид аризаларни текширишда юзага келаётган муаммолар, масалан ахборот-коммуникация технологиялари, тармоқлари ва тизимларидан фойдаланган ҳолда содир этилган фирибгарликда «анъанавий» фирибгарлик турларига хос бўлган жиноятнинг идеал излари мавжуд эмаслиги; пул маблағларини тўлов карталари эгаларининг хабарисиз электрон тўлов тизими орқали олиб қўйиш имконияти мавжудлиги; жабрланувчиларнинг виртуал оламда эътиборсизлиги; пул маблағлари чет элдаги ҳисоб рақамларига ўтказилганда фирибгарнинг шахсини аниқлашнинг мураккаблиги; жиноят ишларини ҳудудий дахлдорликка кўра бир тергов органидан бошқасига қайта қайта юбориш ҳолатларининг мавжудлигини эътиборга олиб, ер ёки уйларни сотиб олиш/сотиш билан боғлиқ, кредит соҳасидаги; тўлов карталар ёрдамида содир этилган фирибгарликларда типик тергов вазиятлари ва тусмолларни текшириш алгоритми ишлаб чиқилган.

Муаллифнинг фикрича, электрон далилларни қўлга киритиш фақат матнли хабарларни олиш ёки уларни икки нусхада қаттиқ дискларга ёзишдан иборат эмас, янги электрон далилларни олиб қўйиш, кўздан кечириш ва расмийлаштириш масаласини қонуний тартибга солиш нуқтаи назаридан назарий тадқиқотлар натижалари муаллифга унинг қуйидагича таърифини шакллантириш имконини берган: *«Электрон далиллар жиноят содир этилганлиги билан бевосита ёки билвосита боғлиқ бўлган рақамли шаклда сақланган ёки узатилган, жиноятнинг ҳолатларини акс эттирадиган, Жиноят-процессуал кодекси нормаларига мувофиқ олиб қўйилган ва расмийлаштирилган маълумотлардир»*.

Диссертант фирибгарликни тергов қилиш методикаси сифати хорижий давлатларнинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликнинг самарадорлигига боғлиқлиги ва ушбу жараёнларни тартибга солувчи янги халқаро норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг қабул қилиниши, фирибгарликка оид янги маълумотлар базасини яратиш, ундан ҳар бир ходим учун ягона калит, логин ва паролни ўрнатиш орқали хавфсизлик чораларига риоя қилган ҳолда фирибгарликни тез ва тўла очиш ҳамда тергов қилишда фойдаланиш имконини яратиш кераклигини исботлаган.

Диссертациянинг учинчи боби «Фирибгарликни тергов қилиш методикаси»га бағишланган бўлиб, унда фирибгарликни тергов қилишда кечиктириб бўлмайдиган, дастлабки ва кейинги тергов ҳаракатларини амалга оширишнинг хусусиятлари ўрганилган.

Тадқиқотчи фирибгарлик билан боғлиқ жиноятларни тергов қилишда ўтказиладиган тергов ҳаракатларининг хусусиятларига оид А.Р.Арсланова, Х.А.Тураббаев, А.Бозинис, С.А.Новиков, А.А.Григорян, Д.М.Миразов, Б.П.Смагоринский, Т.Е.Микрюкова, А.В.Шарова, А.И.Анапольская, И.О.Антонов, А.Ф.Лановой, А.О.Брага, Э.А.Флинн, Г.Л.Келлинг, К.М.Коле

каби олимларнинг илмий фикрларини таҳлил этган ва мазкур олимлар билан илмий мунозарага киришган ҳолда диссертант томонидан видео-конференцалоқа режимида сўроқ қилишнинг янги тактикаси ишлаб чиқилган, унга кўра жабрланувчини сўроқ қилишда шахснинг тўғри кўрсатмалар беришини рағбатлантириш ва сўроқ қилинувчи берадиган барча кўрсатмалари тергов учун аҳамиятлигига (у маълумотларни муҳим эмас деб ўйлаган тақдирда ҳам), шунингдек ишдаги барча ҳолатларни аниқлашда хотирада фирибгарлик ҳодисасини «қайта тиклаш»га қаратилган тактик усуллардан фойдаланиш лозимлигига урғу бериш лозим деган нуқтаи назарни асослашга ҳаракат қилади.

Фирибгарликни тергов қилишдаги яна бир муаммо - фирибгарликнинг электрон изларини аниқлаш, жиноят иши кўзғатилишидан олдин телефон қурилмасини ёки бошқа ахборот ташувчини текшира олмасликдир, бу эса далиллар базасининг йўқолишига олиб келиши мумкин (қурилмада мавжуд ёзишмалар, гуруҳ, канал, аккаунт ёки ижтимоий тармоқ иловасининг ўчирилиши).

Шунингдек, жабрланувчининг позицияси ва маълумотларни яшириш нияти (масалан, ноқонуний хатти-ҳаракатлари туфайли), шунингдек унинг психологик барқарорлиги (характери, темпераменти)ни назарда тутиш лозим. Бундай вазиятда унга, масалан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 211-моддасида назарда тутилган жиноятни содир этган бўлса, агар у терговга ёрдам кўрсатса, унинг жазоси енгиллаштирилиши айтиб ўтилиши лозим.

Ахборот-коммуникация тармоқлари, тизимлар ёки хавфсизлик дастурларидан фойдаланган ҳолда ёки кредит соҳасида фирибгарлик содир этилганда, гумон қилинувчини сўроқ қилишдан аввал терговчи махсус атамаларни чуқурроқ ва ҳар томонлама ўрганиши лозим. Бунинг учун фирибгарликнинг турига қараб, махсус атамаларни ўрганиш, агар керак бўлса, айрим ҳолатларга аниқлик киритиш учун мутахассис жалб қилиш, қаерда хатога йўл қўйилганини аниқлашга алоҳида эътибор қаратилиши лозим.

Муаллиф суд-тергов амалиёти ва тергов бошқармалари томонидан ўтказилган хизмат текширувлар натижаларининг таҳлили асосида, ушлаб туриш вақтини аниқлаш муаммосининг ечими сифатида замонавий техник воситалардан, масалан, йўл ҳаракати хавфсизлиги ходимлари мисолида учинчи шахсларнинг аралашувисиз қўллаш имконини яратадиган ташқи чўнтақларига жойлаштириладиган мини ёзиш қурилмаларидан фойдаланиш ҳисобланади.

Тадқиқотчи фирибгарлик билан боғлиқ жиноятларни тергов қилиш пайтида ўтказиладиган гумон қилинувчи ёки айбланувчининг мол-мулкани хатлашга оид А.И. Босых, Е.Н. Быстряков, М.В. Жижина каби олимларнинг илмий фикрларини таҳлил этиб, мазкур олимлар билан илмий мунозарага киришган ҳамда, гумон қилинувчи ёки айбланувчиларнинг кўчмас мулкани зудлик билан хатлаш масаласини ҳал қилиш учун, нотариал идораларда мавжуд бўлган маълумотлар базаси асосида янги «Мулк» маълумотлар базасини яратиш лозимлигини (ким томонидан; қачон; қандай шароитда сотиб олинган/сотилган/совға қилинган/ қайта сотилган; келишув пули ва

шартноманинг нухаси; нотариал ҳаракатларни амалга оширишга тақик борлиги) асослаган.

Шунингдек, муаллифнинг таъкидлашича, ахборотни ҳар томонлама таҳлил қилиш учун «Vogon International» сингари дастурий таъминотдан тинтув пайтида олинган далилларнинг аниқ нухаларини яратиш учун, «Gen Tree» каби дастурий таъминотдан, график ёки бошқа объектларни контекстли қидириш ва ўрганиш учун фойдаланиш зарур. Бунда олиб қўйилган ахборот ташувчи воситадаги маълумотларни сақлаш, кейинчалик тўғридан-тўғри ўзгартириш киритиб бўлмайдиган ҳолда кўриш имкони бўлиши керак (Proof).

Диссертант А.Р. Арсланова, А.И. Анапольская, Р.С. Атаманова, Ю.Г. Булай, В.Б. Вехов, М.Н. Кузьмин, М.В. Горелов, Дэвид Е.Лернер каби олимлар билан илмий мунозарага киришиб, ахборот-коммуникация тармоқлари, тизимлар ёки хавфсизлик дастурларидан фойдаланган ҳолда фирибгарлик содир этилганда, терговчи зарур далилларни топиш учун ҳужжатлар, ёзишмалар, тизимнинг конфигурацияси, шифри, кодлари, зарарли вирус дастурлари ва уни тарқатиш усуллари, компьютер ёки бошқа қурилманинг маълумот базасининг хусусиятлари тўғрисида маълумотлар киритилган қўл дафтарчаларни излаб топишга, компьютер маълумотлар базаси, ахборот ташувчилар (флеш карта, Hard)нинг ўзига хос хусусиятларига эътибор қаратиши, электрон калит аниқланганда «Ягона дарча» давлат хизматларини кўрсатиш ягона маркази томонидан берилган сертификат орқали имзонинг ҳақиқийлигини аниқлаши, марказга сўров юбориш орқали унинг ҳақиқийлигини текшириши, электрон ҳужжатни кўздан кечирганда терговчи файлниги номи ва жойлашуви (масалан, C:\Users\Admin\Desktop), яратилган санаси ва охириги модификацияси, формати (Word, PDF, DJVU), варақлар, белгилар сони, ҳужжат мазмуни, ҳужжатдаги биринчи ва охириги сўзларини қисқача ёзиб қўйиши шарт, лекин, албатта, ҳужжат қайси маълумот ташувчи (флешка, диск) воситага ёзилганлигини кўрсатиши ва мажбурий тарзда расмийлаштириши лозимлигини таъкидлайди.

Диссертант томонидан киберфирибгарликни тергов қилишда судга оид компьютер-техник экспертизаси тайинланганда экспертни жалб қилишнинг аҳамияти, ушбу ва бошқа турдаги экспертизаларни тайинлаш ва ўтказиш хусусиятлари очиқ берилган.

Тадқиқотчи илғор хорижий мамлакатлар (АҚШ, Буюк Британия, Германия Федератив Республикаси, Испания, Россия Федерацияси, Австралия, Франция)нинг фирибгарлик жиноятини тергов қилиш бўйича суд-тергов амалиётини ўрганиш ва жиноят-процессуал қонунчилигини қиёсий-ҳуқуқий таҳлил қилиш асосида, фирибгарликни тергов қилишда халқаро ҳамкорликни кучайтиришга алоҳида эътибор қаратиб, киберфирибгарликка қарши курашишдаги асосий муаммоларга: БМТга аъзо барча давлатлар учун мажбурий бўлган ягона халқаро ҳужжатнинг йўқлиги; виртуал оламда ҳудудий чегараларнинг мавжуд эмаслиги; кибер фирибгарликни тергов қилишда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ўртасидаги ҳамкорликнинг сустлиги; ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларида мутахассисларнинг етишмаслиги ва бошқаларни киритади.

Юқоридагиларга кўра, муаллиф томонидан, киберфирибгарикнинг ижтимоий хавфлилик даражаси, трансмиллий хусусияти ва халқаро миқёсда ҳисобга олган ҳолда, давлатларнинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ўртасида янада яқин ҳамкорлик қилиш бўйича қуйидаги таклифлар ишлаб чиқилган ва асослантилган:

